МИЛЛИЙ ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ МАКТАБИНИ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

https://doi.org/10.70728/orien.v07.i02.057

Ашурова Марям Хамидовна
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Аннотация: Мазкур мақолада. Қўғирчоқ театри санъатининг тарихи, педагогик тамойиллари, саҳнавий эстетикаси ва замонавий инновацион технологиялар билан уйғунлашув имкониятлари кўриб чиқилади Олим К.С.Станиславский, С.В. Образцов, М.М. Королёв ҳамда М. Қодировларнинг назарий қарашлари мисолида миллий мактабни шакллантириш масалалари ёритилади. Шунингдек, сунъий интеллект технологиялари асосида қўғирчоқ театрини ривожлантириш йўналишлари ва Ўзбекистон қўғирчоқ театрини жаҳон миқёсида тарғиб қилиш механизмлари таклиф этилади.

Калит сўзлар: миллий қўғирчоқ театри, жаҳон тажрибаси, саҳна маданияти, инновация, сунъий интеллект, театр педагогикаси, бадиий тафаккур

DEVELOPMENT PROSPECTS OF THE NATIONAL PUPPET THEATER SCHOOL BASED ON WORLD EXPERIENCE

Ashurova Maryam Khamidovna
Uzbekistan State Institute of Arts and Culture

Abstract: This article analyzes the prospects for developing the national puppet theatre school based on world experience. Historical, aesthetic, and pedagogical aspects of puppet theatre art are examined. Drawing on the theoretical concepts of K. Stanislavsky, S. Obraztsov, E. Korolev, and M. Kadyrov, the article explores the formation of a national school. Particular attention is given to the integration of artificial intelligence technologies and the international promotion of Uzbek puppet theatre.

Keywords: national school, puppet theatre, world experience, stage culture, innovation, artificial intelligence, theatre pedagogy

“Осиё қўғирчоқ театри бу шунчаки эрмак ўйин эмас, балки бир қитъа халқларининг фалсафаси, дини, адабиёти, эпоси, мусиқаси, фольклори, тасвирий санъати ва албатта тиллари билан чамбарчас боғлиқ бўлган муҳим тарихий бадиий ҳодисадир”. Мухсин Қодиров.

(cc) BY

Қўғирчоқ театри - инсоният маънавий меросининг нодир ва серқирра соҳаларидан биридир. У нафақат болалар тарбияси воситаси, балки чуқур фалсафий ва ижтимоий мазмунга эга бадиий ҳодиса сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Замонавий глобаллашув шароитида миллий қўғирчоқ театри мактабини жаҳон тажрибаси билан уйғунлаштириш долзарб масалага айланмоқда.

Қўғирчоқ театри инсоният маданиятининг энг қадимий шаклларидан бири ҳисобланади. У илк бор қадимги маросим ва диний тасаввурлар билан боғлиқ равишда юзага келган. Қадимги Миср, Ҳиндистон, Хитой ва Юнон маданиятларида қўғирчоқ персонажлар орқали маросимий саҳнавий кўринишлар намойиш этилган. Кейинчалик у халқ томошаларига айланиб, ижтимоий-ахлоқий ғояларни етказиш воситаси бўлган.

Европада қўғирчоқ театри ўрта асрларда кенг ривожланди. XX асрда эса Михаил Королёв ва Сергей Образцовлар раҳбарлигидаги мактаб, қўғирчоқ театрини мустақил ва юксак бадиий санъат даражасига олиб чиқди. Ушбу жараёнда Константин Станиславскийнинг актёрлик психотехникаси ҳам муҳим назарий асос бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистонда қўғирчоқ театри санътининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари, халқ оғзаки ижоди ва анъанавий “чодир жамол”, “чодир хайол”, “фонус хайол” томошалари билан боғлиқ ҳолда ривожланган. Миллий қўғирчоқ театри асрлар давомида халқ байрамлари, бозор сайиллари ва маданий тадбирларда намоён бўлиб келган. Бу театр йўналишларнинг бош қаҳрамонлари Полвон качал, Бичихон, Корфармон ва бошқалар бўлган.

XX асрда давлат қўғирчоқ театрларининг ташкил этилиши (1939йил) ушбу санъат турининг профессионал босқичга кўтарилди. Илмий-назарий ҳамда ижодий жиҳатдан уни тадқиқ этиш ва ривожлантиришда Муҳсин Қодиров, Исо Ёқубов, Сарвиноз Қодирова каби олимларнинг хизмати катта бўлди. Бугунги кунда республикада бир қатор давлат ва вилоят қўғирчоқ театрлари фаолият юритмоқда.Уларнинг сони 12 тага етди. Булар Тошкент, Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Нукус, Сирдарё, Сурхандарё, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё професиоал театрлардир. Бу жамоалар Марказий Осиё, Россия, Кавказ олди, Туркия, Миср, Ҳиндистон, Покистон, Эрон давлатларининг халқаро қўғирчоқ театрларининг фестивалларда иштирок этмоқлар. Шу қаторда улар миллий қўғирчоқ театр анъаналарни замонавий шаклда ўз томошаларида намоён этиб, нуфузли ўринларга эга бўлиб келмоқда. Булар “Карвон сарой”, ”Мусиқали чойхона”, “Хоразм лазгиси”, Ассалом наврўз”, ”Томоша” ҳ.к. Фестиваль - бу театр ижодкорларини ижодий учрашуви, фикр алмашуви, изланиши, эришилган ижодий ютуқларни кўрсатиш ва ўз санъатни тарғиб қилиш.

(cc) BY

Миллий қўғирчоқ театри мактабининг назарий асослари.

1. Театр педагогикаси соҳасида Константин Станиславский томонидан яратилган “кечинма санъат мактаби” назарияси актёрнинг ўз устида ишлаши яъни актёр саҳнада мантиқан эркин ҳатти-харакатга қилишга эришиши учун “ички руҳий ҳолат”, “ташқи физик ҳаракат” ҳамда “фикир сўз баёни” ҳаракат тамойиллари. қўғирчоқ театри актёри учун муҳимдир. Бу жараён психологик ишонч ва ички энергияни талаб қилади[1]. 2. Немис драматурги ва режиссёри Бертольд Брехтнинг “бегоналашган” назариясининг аҳамияти катта. 3. Всеволод Мерхольднинг “беомеханика” назарияси қўғирчоқ театри актёри учун энг муҳим мактаб турларидан бири ҳисбланади. Ижод жараёни бу актёр учун мактаблар назарияси. Қўғирчоқ-жонсиз предмет бўлса-да, актёр унинг орқали тирик образ яратади.

Режиссёр Сергей Образцов эса қўғирчоқ театрини мустақил санъат тури сифатида ривожлантирди. Унинг фикрича, қўғирчоқ театрида рамзийлик ва шартлилик эстетик қонуният сифатида намоён бўлади[2]. Бу қараш миллий саҳна эстетикасини бойитишда муҳим назарий асос бўла олади.

Санъатшунос олим Михаил Королёв қўғирчоқ театри драматургияси ва режиссурасига доир илмий таҳлилларида саҳнавий макон ва образ табиатини чуқур ўрганган[3].

Ўзбек театршунослигида Муҳсин Қодиров миллий театр анъаналари ва саҳна маданиятини илмий асосда таҳлил қилган олим сифатида алоҳида ўрин тутади[4]. У миллий руҳ, халқона ифода ва саҳнавий бадиийлик уйғунлигини таъкидлайди.

Жаҳон тажрибаси ва миллий мактаб уйғунлиги.

Жаҳон қўғирчоқ театри тажрибаси шуни кўрсатадики, миллийлик ва инновация ўзаро зид эмас, балки бир-бирини бойитувчи омилдир. Европа ва Осиё мамлакатларида қўғирчоқ театри мультимедиа, анимация ва робототехника билан интеграциялашмоқда.

Миллий мактабни шакллантиришда қуйидаги тамойиллар муҳим:

- Анъана ва замонавийлик синтези
- Профессионал кадрлар тайёрлаш
- Илмий-тадқиқот марказларини ташкил этиш
- Халқаро фестивалларда фаол иштирок
- Сунъий интеллект ва қўғирчоқ театри

Ёшларни қўғирчоқ театрига жалб қилиш омиллари.

Замонавий шароитда ёш авлоднинг маданий эҳтиёжлари ва ахборот майдони ўзгарган. Шу сабабли қуйидаги чора-тадбирлар самарали бўлиши мумкин:

1. Рақамли формат ва медиа фаоллик

(cc) BY

Қўғирчоқ спектаклларининг қисқа видеоларини TikTok, YouTube, Instagram платформаларида жойлаштириш.

Онлайн спектакл ва стрим форматини жорий этиш.

Спектаклларга субтитрлар ва мультимедиа эффектлар қўшиш.

2. Замонавий мавзулар

Ёшларни қизиқтирадиган ижтимоий мавзулар (экология, киберхавфсизлик, миллий қадриятлар) асосида спектакллар тайёрлаш.

Миллий қаҳрамонларни янги драматургик талқинда яратиш.

3. Таълим тизими билан интеграция

Мактаб ва олий таълим муассасаларида қўғирчоқ театри тўгаракларини ташкил этиш.

Театр актёрлари иштирокида маҳорат дарслари ва воркшоплар ўтказиш.

4. Сунъий интеллект ва инновация

AI орқали сценарий таҳлили ва аудитория қизиқишини ўрганиш.

AR/VR технологиялари орқали интерактив спектакллар яратиш.

Роботлаштирилган қўғирчоқ элементларини жорий қилиш.

Қўғирчоқ театр санъатини янада ривожлантириш ва замон талабига жавоб бериши учун:

- Бадиий сифатни биринчи ўринга қўйиш;
- Режиссёрлик, актёрлик ва драматургия мактабини кучайтириш;
- Халқаро ҳамкорлик ва тажриба алмашувини кенгайтириш;
- Театр маркетинги ва брендингини ривожлантириш;
- Миллий образ ва фольклорни замонавий эстетика билан уйғунлаштириш зарур.

Замонавий даврда сунъий интеллект (AI) технологиялари театр санъатига янги имкониятлар очмоқда. Қуйидаги йўналишлар истиқболли деб ҳисобланади:

- AI орқали сценарий яратиш ва драматургик таҳлил
- Қўғирчоқ ҳаракатларини рақамли моделлаштириш
- Виртуал саҳна дизайнлари
- Томошабин реакциясини таҳлил қилувчи интеллектуал тизимлар
- AR/VR технологиялари асосида интерактив спектакллар

Бу усуллар миллий қўғирчоқ театрини ёш авлод учун янада жозибадор қилади.

Ўзбекистон қўғирчоқ театрини ривожлантириш бўйича таклифлар:

1. Республика миқёсида “Қўғирчоқ театри академияси”ни ташкил этиш.

2. Халқаро ҳамкорлик дастурларини кенгайтириш.

3. Миллий қаҳрамонлар образини замонавий драматургия асосида қайта яратиш.

(cc) BY

4. Қўғирчоқ театрларининг YouTube ва рақамли платформаларда фаоллигини ошириш.

5. Жаҳон фестивалларида миллий бренд сифатида иштирок этиш.

6. Ўзбекистон қўғирчоқ театрини жаҳонга танитиш учун инглиз тилидаги субтитрлар, халқаро онлайн намойишлар ва креатив маркетинг стратегиялари жорий этилиши мақсадга мувофиқ.

Миллий қўғирчоқ театри мактабини жаҳон тажрибаси асосида ривожлантириш - бу анъана ва инновация уйғунлигини таъминлаш демакдир. Илмий ёндашув, педагогик тизим ва замонавий технологиялар интеграцияси орқали Ўзбекистон қўғирчоқ театрини жаҳон маданий маконида муносиб ўринга олиб чиқиш мумкин. Миллий руҳ ва замонавий тафаккур уйғунлиги келгусида янги бадиий мактаб шаклланишига хизмат қилади.

Қўғирчоқ театри - болалар санъатигина эмас, балки чуқур фалсафий ва ижтимоий мазмунга эга маданий ҳодисадир. Унинг илдизлари қадим тарихга бориб тақалса-да, замонавий технологиялар ва ижодий ёндашув орқали янги босқичга кўтарилиши мумкин.

Ёшларни жалб қилиш, инновацияларни жорий этиш ва миллийликни сақлаган ҳолда жаҳон майдонига чиқиш - Ўзбекистон қўғирчоқ театрининг асосий истиқбол йўналишларидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Константин Станиславский. Актёрнинг ўз устида ишлаши. - Москва.
2. Сергей Образцов. Моя профессия. - Москва.
3. Евгений Королёв. Театр кукол: теория и практика. - Санкт-Петербург.
4. Муҳсин Қодиров. Ўзбек театри тарихи. - Тошкент.
5. Б. Юлдашев. Театр эстетикаси. - Тошкент.
6. Peter Brook. The Empty Space. - London.
7. Henryk Jurkowski. A History of European Puppetry. - New York.

(cc) BY